

НАВОИЙШУНОС ОЛИМ МУСЛИХИДДИН МУХИДДИНОВНИНГ “КЎНГИЛ ХАЙРАТЛАРИ” МОНОГРАФИЯСИДА ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚОТ МАҲОРАТИ

Исҳоқхон НОСИРОВ

Доцент

филология фанлари номзоди

Ангрен университети

Ангрен, Ўзбекистон

Аннотация

Мақола навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Муслихиддин Мухиддиновнинг “Кўнгил хайратлари” номли монографияси тадқиқи бағишланган. Тадқиқот давомида монография муаллифининг буюк хамсанавислар – Низомийнинг “Махзан ул-асрор”, Дехлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”, Жомийнинг “Тухфат ул-ахрор” ва Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” каби дostonлари илмий аспектда ўта асосли қиёсий таҳлил этилгани таъкидланади.

Таянч сўзлар: хамсанавислик, Низомий, Дехлавий, Жомий, Навоий, “Махзан ул-асрор”, “Матлаъ ул-анвор”, “Тухфат ул-ахрор”, “Хайрат ул-аброр”.

МАСТЕРСТВО СРАВНИТЕЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ В МОНОГРАФИИ УЧЕНОГО-НАВОИЙВЕДА МУСЛИХИДДИНА МУХИДДИНОВА “КУНГИЛ ХАЙРАТЛАРИ”

Исхакхан НОСИРОВ

доцент

кандидат филологических наук

Ангренский университет

Ангрен, Узбекистан

Аннотация

Статья посвящена изучению монографии «Кўнгил хайратлари» учёного-навоиеда, доктора филологических наук, профессора Муслихиддина Мухиддинова. В ходе исследования отмечается, что автор монографии в научном аспекте провел основательный сравнительный анализ дастанов таких великих поэтов, авторов хамса, как Низами «Махзан ул-асрор», Дехлави «Матла ул-анвор», Джами «Тухфат ул-ахрор» и Навои «Хайрат ул-аброр».

Ключевые слова: написание хамса, Низами, Дехлави, Джами, Навои, «Махзан ул-асрор», «Матла ул-анвор», «Тухфат ул-ахрор», «Хайрат ул-аброр».

Маълумки, китобат ва ёзишмалар тарихида мақсад ва матлабни ифодалаш учун тасниф этилган ҳар бир битик аввалида Аллоҳ таолонинг буюк, тенгсиз қудрати мужассам бўлган биринчи оятни битилиши шарт бўлган. Унинг такрорий зикр этилиши эса мифтоҳ ул-қулуб вазифасини бажарган. Чексиз зоҳирӣ, ботинӣ маъноларга тўла бу раҳмоний муқаддас оят мўъмин бандаларнинг қулфлик қалбига нур, зиё; кўнглига ором, осудалик; ақл-заковатига тенгсиз шуур;

дилига илоҳий муҳаббат, сурур; руҳига таскин, хотиржамлик; зикрига қувват; нафсида эса қаноат, шукроналик бахш этиб келган.

Шарқ оламининг етук алломалари ўз ёзишма, битикларида ифодаланмиш воқеалар тафсили, тасвирини айнан шу тавҳид асроридан зоҳир бўлганига ишора қиладилар.

Шайх Низомий Ганжавий “Махзан ул -асрор” да қуйидагича ёзади:

Равшани ақл бе жон додаай,

Чошни дил бе забон додаай.

Пардаи савсан мусобеҳи туст,

Жумла забон аз паи тасбеҳи туст [8; 12].

(Мазмуни: Ақл чароғин танга бергансан, Қалб лаззатин тилга бергансан. Савсан пардаси нури шуъланг партавидир, Жумла тил зикри тасбеҳинг шодасидир). Бу икки байтни шарҳлашнинг ҳожати йўқ, чунки қудрат соҳиби инсонни ана шундай гўзал мартаба билан улуғлаган.

Алишер Навоий ҳазратлари “Ҳайрат ул-аброр” достони киришида:

“Мим”и очиб манзили мақсудга йўл,

Балки бу манзил аро сарчашма ул [1;8].

Байтда “мим” ҳарфий белги сифатида Аллоҳнинг исми аъзамига ишора бўлиб, ташбеҳга тортилган. “Мим” мақсуд манзилига элтувчи йўл. Нафақат йўл, балки бу манзил (орзу, ният)нинг сарчашмаси, ибтидосидир у. Бошқача айтганда, байтда барча баён, ёзишмалар шу манбадан олинди деган ғоя илгари сурилган.

Илоҳий маърифатдан илҳомланиб, сўз мулкининг ширинкалом шоирлари томонидан шарқона тафаккур ва шарқона услубда битилган руҳафзо бадий-назмий асарларнинг қиёсий таҳлили ўта нозик масала ва бу борада амалга оширилган қиёсий тадқиқотлар ўтмиш классикларимизнинг тафаккур мезони ва фалсафий камолотини тўла очишда етарли деб бўлмайди. Чунки асар матнида фасоҳат ва балоғат билан ифодаланган бадий тимсоллар, истиоравий, мажозий, ташбеҳий воситаларнинг лисоний маъно хусусиятларини таҳлил қилишда тадқиқотчида ўта нозик дид, табъ, фаҳм, идрок, топқирлик, сезим ва ўткир ҳиссий қобилият бўлиши лозим, бизнингча. Камина мазкур талаблар асосида фасоҳат

ила шарқона рухда тасниф этилган идҳомбахш бир асарни ўқиш орзусида эдим. Иттифоқан, навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг “Кўнгил ҳайратлари” [4;23] номли монографиясининг нашр этилиши кўнгилда кечаётган ғуборларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, “Кўнгил ҳайратлари” илм-маърифат йўлида амалга оширилган ва навоийшунослик илми ривожига қўшилган бебаҳо диққатга молик тадқиқотларнинг биридир. Зотан, китобни маърифий, илмий-амалий, услубий тавсияларга бой ўқув қўлланма дейиш ҳам асослидир.

Тадқиқот сирасига киритилган мавзулар тавсифи, шарқона шарҳ усулида таҳлилу ва такмил этилиши мени чуқур мушоҳада уммонига етаклади. Маснавий байтларининг сеҳрли шодаси шу қадар уйғунлашиб, жозибали рух, кайфият бахш этганки, ҳатто мутолаа итмомини ҳам сезмай қолади киши. Тадқиқотни, айнан, фараҳ – فرح хурсандлик, шодлик, хушҳолликка даъват этувчи очкич, калид; фаттоҳ – فتاح ни эса муаммо, тугунларни фатҳ этувчи, ғолиб, мушкулкушо каби маъноларига таяниб, ушбу рисолаи маърифат манзиллари сари йўл, ирфоний тафаккурга қадам деб англадим.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий: “ – Эй саодатли ўғлон, савдогарлик қилмоқчи бўлсанг, халқ билан қилма, зарар кўрасан, ҳақ йўлида қил фойда топасан... ва саодат ганжини Аллоҳнинг даргоҳидан топасан...” [5;1187] дейди. Худди шу маънода “Кўнгил ҳайратлари”нинг тадқиқот объекти, диапазони жуда кенг, маъно моҳиятининг юки ниҳоятда вазмин. Матлаб, мақсади эса улўғ. Тадқиқот Шарқ маснавий жанр йўналишида битилган ва асрлар оша ўқувчилар руҳини илоҳий нурга, қалбини завқ-шавққа, дилини лаззатга тўлдириб келаётган Ҳаким Абу Муҳаммад Илёс ибни Юсуф ибни Закий ибин Муъид Низомийнинг “Махзан ул-асрор”и, Амир Хисрав Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”и, Нуриддин Абдурахмон Низомиддин Аҳмад ибни Муҳаммад Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор”и ва Мир Низомиддин Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”и каби дostonларнинг қиёсий таҳлил ва тавсифига бағишланган.

“Кўнгил ҳайратлари” жуда катта илмий тадқиқот. Бу ҳашамдор бинони барпо этишга кетган куч-қувват ва вақтнинг қадри беҳисоб. Чунки муаллиф

томонидан чиқарилган илмий-назарий, амалий хулосалар адабиётшунослик илмида нечоғли қадрга эга эканини мундарижа сиёқиданоқ англаш мумкин.

Аввало, қониқиш билан айтиш лозимки, мухтарам устоз, академик Тўра Мирзаев (охиратлари обод бўлсин) китоб таҳлилга бағишланган асликда мавзунинг долзаблиги хусусида сўз юритиб, адабий жараёнда қиёсий таҳлил йўсинида амалга оширилган тадқиқотлар санокли экани, хусусан типологик тадқиқотлар адабиётшунослик фанида умумназарий муаммоларни ечимида жуда муҳим ўрин тутиши ҳақида фикр билдириб: “Муслиҳиддин Муҳиддинов илмига амал қиладиган заҳматкаш олимлардан... “Кўнгил хайратлари” деб номланган ушбу монографияда олимнинг нуқтадонлик ва жўшқин эҳтиросла баён этган хулоса ва кузатувлари билан ошно бўлиш мумкин. Мен қониқиш билан адабиётшунослигимиз хазинаси яна бир қимматли тадқиқот билан бойиганини қайд қилиб, Муслиҳиддинхон Муҳиддиновга ижодий баркамоллик тилаб қоламан.” [4;10] дея, оқилона баҳо берадилар. Мўътабар устоз, академик Тўра Мирзаевнинг табаррукона лутфлари тадқиқотни “хазина” деб аташларида қадрланган илмий ҳақиқат ва рамзий маъно бор, бизнингча.

Асарда адабий-эстетик жараёни шарқона тафаккур қобиғида умумғоявий тамойиллар руҳида шаклланиши ва ривожланиши хусусида муаллиф тақдим этган назарий тавсиялар ва таҳлилий хулосалар айнан тадқиқот мазмунига мос деган фикрдамиз. Қиёсга тортилган нозик мушоҳадали нуқталарнинг тақдимоти бундан далолат беради. Мана уларнинг таснифи: “ ... ўзбек адабиёти ўзининг кўп асрлик тараққиёти тарихида қўшни халқлар адабиёти билан зич алоқада бўлиб, ўзаро баҳрамандлик қонунияти асосида ривожланиб келди...Туркий тилдаги адабиёт араб ва форс тилида яратилган адабиёт билан бақамти ривожланиб адабий анъаналар, жанрлар, ғоя ва образларда муштараклик касб этди...” [4;12] деб, ўзбек адабиёти тарихан форс-тожик адабиёти билан ўзаро узвий “баҳрамандлик қонунияти асосида” тараққий топгани хусусида шарқшунос ва адабиётшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида айрим “муштарак” томонлари таҳлилга тортилгани, аммо соҳанинг умумназарий жиҳатлари, адабий-бадний қонуниятлар етарли ўз ифодасини топмаганлиги хусусида сўз юритилади.

Кейинроқ муаллиф масаланинг жиддийлиги ва унинг ечими ҳақида: “...бир-бирига ўхшаш ёки ғояси, образлари, усул-услуиби яқин асарлар Шарқ адабиётида жуда кўп. Бундай муштарак фактларни қидириб топиш ва қайд этишнинг ўзи кифоя эмас. Асосий вазифа ана шу муштаракликлар замирида ётган ижтимоий-ахлоқий, адабий-эстетик ҳодисалар сабабияти, умумийликнинг илдизларини очиш ва типология қонуниятига амал қилиш, шу қонуният ичида шаклланган адабий ҳодисаларнинг хусусияти, оригиналлик даражалари, таъсир ва индивидуал маҳорат масалаларини ечиш керак бўлади. Ана шунда жуда кўп баҳсли масалалар ҳам ўз-ўзидан ҳал қилинади” [4;13] деб, муаммоли тезисни илгари суради. Келтирилган иқтибос алифбо сифатида монографияда назарга тутилган барча мавзуларнинг тадқиқи ва ечими учун кўрсаткич ҳисобланади ва ушбу иқтибос мазмунига суянган ҳолда муаллиф таклиф этган муаммолар таҳлилини аниқлашга ҳаракат қиламиз:

Биринчидан, муштарак адабий-эстетик, ижтимоий-ахлоқий ҳодисалар сабабияти нимада?

Иккинчидан, ўзаро адабий алоқалар руҳида муштараклик ғоялари қай тарзда вужудга келган?

Учинчидан, типологик қонуният адабий ҳодисаларни шаклланишида умумийлик қандай амалий рол ўйнаган?

Тўртинчидан, индивидуал ва оригиналликда Навоийнинг маҳорати нимада?

Тадқиқотда муаллиф икки халқ орасида вужудга келган муштарак адабий эстетик ҳодисаларнинг генетик ҳосил бўлиш тарихи юзасидан кенг қамровли таҳлилий экскурсга қўл уриб, бу соҳанинг етук тадқиқотчилари профессор Нажмиддин Комилов ва Раҳим Воҳидовлар томонидан ўзбек ва тожик адабий алоқалар тадрижини қиёсий-типологик метод юзасидан амалга оширган илмий ишларида изоҳланган ижодий ҳамкорлик натижасида юзага келган умумийлик, муштараклик анъанаси хусусида чиқарган қимматли назарий-амалий хулосалар, тавсиялар адабиётшунослик илмида муҳим, жиддий аҳамият касб этганини эътироф этади. Бундан ташқари, рус ва ўзбек олимлари томонидан бу соҳага бағишланган тадқиқотлар ҳақида ҳам кенг фикр юритиб, хусусан атоқли

шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг “Искандар ҳақидаги роман ва унинг Шарқдаги версиялари”, “Навоий ва Аттор” номли асарларида Алишер Навоий ҳазратлари ижодига берилган холисона баҳо алоҳида диққатга сазавор, деб таърифланади.

Дарвоқе, адабиёт чексиз, поёнсиз майдон ва бу мухташам майдон асрлар давомида юзлаб, минглаб шоиру адибларнинг зарварағи, тахайюл шамчироғи билан яшнаб, порлаб, улкан маъно денгизи (баҳр ул-маъоний)га айлангани барчага аён.

Муқаддимада таҳлил давомида тадқиқотчи баъзи Ғарб олимлари Навоийни форс адабиёти таржимони деб, билдирган фикрлари ноҳақ, бир ёқлама эканини исботлаб, Шарқ адабиётида сара асарларга салафлар томонидан назира боғлаш анъана тусига киргани ва “...Назира эпигонлик ҳам, тақлид ҳам эмас, балки ўзига хос ижодий мусобақа, куч синаш воситаси бўлиб, буюк салафларнинг асарларидан илҳомланган ҳолда, мавжуд асарга ҳам ғоя-маъно, ҳам услуб-ифода, маҳорат жиҳатдан мос келадиган, аммо айна вақтда янгича жаранглайдиган, янги ижодкорнинг қалами кучини кўрсатиб, овозини ифодалайдиган янги асарни дунёга келтирган...” [4;20] дея фикрини далиллаб, “пайравлик” “назира”, “татаббуъ”, “жавобия”, “таврия” каби истилоҳларнинг луғавий маъноларига атрофлича изох беради, таърифга тортади. Жавобия, пайравлик, татаббуъ боғлаш азалдан шоирлар орасида ўзига хос мусобақа, маҳорат майдони экани ва бу майдонда ғолиб бўлиш учун ўта тенгсиз истеъдод бўлиши керак дея, Хисрав Деҳлавийнинг “Хамса”си Низомий дostonларига назира тариқасида жавобия бўлиб, оригинал асарларидан кўра китобхонлар орасида қадрлангани ва шоир эл-юрт орасида, эъзозлангани, шуҳрат топгани ҳақида сўз юритилади.

Ҳар бир асар, монографиянинг моҳиятини белгилашда сўзбоши, муқаддима калит вазифасини ўтайди ва кейинги таҳлилу тамсилларга йўл очади. “Кўнгил ҳайратлари” ҳам ана шу қурилма билан бунёд этилган ирфоний бино. Йўл бошида турган Ҳазрат:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ...

Керак шер олдида ҳам шеро жанги,

Агар шер ўлмаса, бори паланге [3;4].

Бу мисралар замиридан ўзликка хитоб, сулукка қадам қўйиш учун даъват, шунингдек, майдон ичра турмоқ осон эмаслиги, Низомий бешлигига қўл урмоқлик нақадар мушкул экани изҳори, ижодий мусобақа, шер олдида шердек тайёр туриш шартлиги, ҳеч бўлмаса, қоплондек ғайрат-шижоатли бўлиш ғояси англашилади.

“Ҳайрат ул-аброр”да Абдурахмон Жомийга бағишланган боб мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан “Хамса” дебочаси. Муаллиф, Жомийнинг уйида илму адаб аҳли билан суҳбат руҳи шоирга ўзгача ҳаяжон, завқ бағишлаган ҳолатга алоҳида эътибор бериб, тариқат пири, устози томонидан хамсанавислик анъаналари ҳақида, хусусан Низомий ва Амир Хусрав “Хамса”ларига татаббуъ, назира, жавобия боғлаш борасида билдирилган мулоҳазалар баёни дoston сатрларида ҳаяжонли тарзда акс этганини шарҳлайди ва фикрини далиллаш учун: “Воқеан, назира ёки жавобия нима? Унинг вазифаси-мақсади, моҳияти қандай бўлиши керак, деган саволларга ҳазрат Навоий аниқ жавоб бериб келганлар” деб, “Ҳайрат ул-аброр” ва бошқа дostonларда Низомий, Амир Хусрав, Жомий ҳақларида бағишланган боблар баёнига таяниб: “шоирнинг фикрлари фақат салафлар эҳтироми эмас, балки адабий-эстетик қарашлари, тутган мавқеини ҳам ифода этади” [4;15], деган фикрни баён этади.

Шунингдек, тадқиқотчи тавсиф давомида адабий-эстетик ҳодисаларнинг ғоявий шаклланиши хусусида мулоҳаза юритиб, унинг хусусияти бўлмиш тасвирий воситаларни умумийликка юз тутиши ва мустаҳкам қарор топиши даврий ҳодиса экани ва ҳодисани маънавий-маърифий даражага кўтарилиши, ижтимоий-ахлоқий омилга айланиши, оддий жараён эмаслиги, балки унинг туб манбаи, чуқур илдизи мавжудлиги, айниқса унинг илҳомлантирувчи манбаи муқаддас Қуръони карим экани ва бу илоҳий калом лаззати барча каттаю кичик, шоиру зурафо, мавлоларни ислomий тафаккур ва ислomий ақида, ислomий маърифат руҳиятида камол топишида етакчи восита сифатида адабий-эстетик ҳодисаларни бадиятга кўчиши учун замин вазифасини ўтади, деган назарий хулосага келади.

Муаллиф Жомийнинг “Тухфат ул-Ахрор” достони ҳақида келтирилган маълумотларни шарҳлар экан, янги битилган асарни ўқиш давомида Навоий руҳида юз берган туғёнга алоҳида эътиборни қаратади. Ҳақиқатда бу мулоқот манзара, ҳолат тасвири ўта ноёб драммастик кўринишга эга ва билвосита XV асрнинг иккинчи ярми Темурийлар салтанатининг ижтимоий, маданий, маърифий тамаддунни тўлиқ акс эттүрүвчи реал чизма, Уйғониш галереяси ва “Ҳайрат ул-аброр” достонининг битилишига боис бўлган энг ҳаяжонли ҳолат деб англаш лозим.

Навоий ҳазратлари эмоционал ҳолатда бор овозда, ҳайрат билан:

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,

Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.

Форси бўлди чу аларга адо,

Турки ила қилсам ани ибтидо [3;16].

Натижада “Ҳайрат ул-аброр” битилди ва туркий адабиёт дурдонасига айланди. Навоий ҳазратларига бу мухташам йўлни босиб ўтиши осон бўлмаган, албатта. Низомий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий достонларига назира боғлаш ўта машаққатли қасри уло эди, аммо Ҳазрат улуғларнинг тафаккур булоғидан маънавий озуқа олиб, руҳийдан ижодий қувват тилаб, улкан маънолар хазинасини ярата олди ва ўз асрида адабий, маданий муҳитни юксак марраларга кўтаришга беқиёс амалий ҳисса қўшди ҳамда тенгсиз мушоҳада соҳиби, нозик табъ, закий, ориф, покиза қалб, буюк шоир, камтарин инсон сифатида “Ҳайрат ул-аброр” сатрларида уфурган жўшқин нафас муаллиф томонидан зўр иштиёқ, меҳр билан талқин ва таҳлилга тортилади рисолада.

Муфассир туркий тилда битилган маънавий неъматнинг ҳар бир сатрига эҳтиром, ҳурматла муносабат билдирар экан, ғурур, муҳаббат била: “Ҳайрат ул-аброр” фақат “Маҳзан ул-асрор” ва “Матлаъ ул-анвор”га татаббуъ бўлиб қолмай, балки Жомий асарига ҳам жавоб эди, яъни назирага назира ёки Навоий асари тўртинчи муваффақиятли назира сифатида ўзидан олдинги иккита назира — Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий асарларини ҳам руҳан ифодалаш керак

эди... Навоий бир йўла учта асарга жавоб айтиши керак бўлган” [3;17], – дея маснавий байтларини келтиради:

*Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад...
Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хисрав била Жомий қўлум[3;17].*

“Кўнгил ҳайратлари”ни ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳақиқатда тавсифий, таҳлилий баёнларда теран мушоҳадалар, жозибали ҳолатлар изҳорига гувоҳ бўлади. Хусусан, Хисрав Деҳлавий тасвири дostonда ўта нозик сатрларда мавжланади: “Шамъ киби базм фурузанда ул, Базм фурузандау сўзанда ул” [1;41] деб, ровий Хусравнинг базм (шеърят)да шамъ каби нур сочувчи, нурафшон ҳолатини сифатласа, кейинги мисрада базм нурафшон, аммо ошиқ қалби ишқ ўтидан пора-пора, игна тешиқ эканига ишоравий маъно юклаб, Деҳлавийни назм бўстонида ғолиб сифати, танҳолиги, ишқда эса сўзанда, кўйувчи экани тасвиридан муфассир ҳайратланади ва тахайюл гирдобига чўмади ва руҳан сатрлар билан уйғунлашиб, бирлашади, сайрга чиқади. Ҳазрат айтганларидек: “Бўлса алар озми дашти адам, Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам. Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум, Мен ҳам ўлай Робиухум калбуҳум” [1;47]. Мисралар талқину тавсифдан орий. Рақсу само. Мана унинг тасдиғи: “Навоий Амир Хусравни мажоз усулида ижод қилиб, ишқи ҳақиқийни куйлаган шоир деб таърифлайди. Бу усулда унга тенг келадиган шоир йўқ. Сўзу гудоз, яъни ёниш ва ўртаниш ҳиндистонлик шоирда устун...” [4; 20] ва таҳлилни давом эттириб, “Амир Хусрав ифода-тасвир устаси, тили сеҳрли ва жозибали. Унинг қалами кишини ҳайратга солади, гўё олам-олам дур сочаётгандай туюлади” [4; 21] деб, таърифу тафсирга тортади.

Навоий ҳазратларини даражама-даража камол топишларида муҳим хусусият касб этган омил юзасидан сўз юритиш фарз, вожиб саналади ва унинг исботи “Ҳайрат ул-аброр”, чунки дoston бошдан то адоғигача фалсафий мушоҳада ва илму ирфон устқурмаси асосида такмил топган. Ҳар бир ҳамд, ҳар бир муножот, мақолотда сифатланмиш воқелик Ҳазратнинг пояма-поя юқори, комиллик сари кўтарилишидан гувоҳлик беради.

XI аср сўфия тариқатининг етук донишманди, “Муқарраби Борий” [1; 122] орифлар муқтадоси Ҳирот пири Хожа Абдуллоҳ Ансорий “Юз майдон” (“Сад майдон”) [1;51] рисоласида обид ва уламо орасида “Алиф”нинг мақоми, мартабаси ҳақида сўз юритиб, Зуннун Мисрий, Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий, Абубакр Каттонийларнинг келтирган далил ва талқинларига эътиборини қаратади. Зуннун Мисрий “алиф”ни Илм; Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий “алиф”ни Қаср; Абубакр Каттоний “алиф”ни Мақом деб таъриф беришганини қайд этади. Аллоҳ азза ва жаала Ўзининг муқаддас каломи Қуръони каримнинг Оли Имрон сурасининг 163-оятида “...хум даражот...” [7;163] (таржимаси: Улар Аллоҳ ҳузурида (турли) даражалар (соҳибидурлар). Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб турувчидир), деб марҳамат қилади. Аллоҳнинг муқарраб дўстлари, мўтабар фозилу комиллари “алиф” хусусида берилган ботиний таъриф ва таъкидни, камина муфасссирнинг тавсифу талқинларига суянган ҳолда, салкам XVI асрдан буён бадий адабиётимиз дурдонаси ва миллатимизнинг маърифий ойинаи гетинамоси бўлиб келган муҳташам хазина “Ҳамса” дostonларини бадият гултожининг нодир яратқиси сифатида, шунингдек, унинг ҳашаматини эса қасри муалло, тутган ўрнини юксак даража деб ва муқаддас оятда ваъда қилинган даражот мақомига мушарраф бўлган Навоий ҳазратларини комил инсон, етук, тенгсиз зариф шоир, фозил шахс тимсолида эътироф этиш бурч деб ҳисоблайман.

Хожа Убайдуллоҳ “Фикроти Аҳроррийа”да “Ҳиммати баланд одамларга аввалги қадамдаёқ вусул шарафига мушарраф бўлиш истеъдоди берилган” [6;79]лиги хусусида изҳор этган таъриф, айнан ҳазрат Навоийнинг ҳасбу ҳолларига қарата айтилган тасдиқ биз учун. Ҳақиқатда Ҳазрат наслу насабда пок, ахлоқда карим, тоатда муқим, ижодда беназир, саховатда саҳий сифатлари билан умр солномасини беаганлар.

Муқаддимага киритилган муаммолар ечими муаллиф томонидан зукколик назари билан таҳлилга тортилган, чиқарган илмий-назарий хулосалари амалиёт билан узвий боғланган. Жумладан, татқиқотчи: “...алоҳида дostonларни қиёслаш хийла самарали йўл деб баҳолаймиз, чунки бунда конкрет таҳлил орқали

татаббуънинг хусусияти анъанавийлик ва оригиналлик муносабати ойдинлашади, умумий адабий жараён хусусиятлари аёнлашади” [4;21]. Зотан, муаллиф томонидан чиқарилган бу илмий-таҳлилий хулоса, мушоҳада назаримиздан ўтган барча саволлар учун ечим вазифасини ўтайди.

Лутф ила таъкидлаш жоизки, филология фанлари доктори, профессор Муслихиддин Муҳиддинов томонидан қиёсий-типологик қонуният ва адабий-эстетик мезон асосида нашр қилинган “Қўнгил ҳайратлари” асари етук монографик тадқиқот ва унинг мазмуни дарслик сифатида ўқув жараёни талабига тўлиқ жавоб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий, Алишер. Ҳайрат ул-аброр. ТАТ. 6-жилд. – Тошкент, 2011.
2. Навоий, Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. ТАТ, 9-жилд. – Тошкент, 2011.
3. Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Илмий танқидий матн. /Тузувчи: Шамсиев П. – Тошкент: Фан, 1970.
4. Муҳиддинов М. Қўнгил ҳайратлари. – Тошкент: Tamaddun, 2021.
5. "گلستان" سعدى Tehron. 1187 бет.
6. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. Фикроти Аҳрорийа. – Тошкент: Адолат, 2004.
7. Қуръони карим. Оли Имрон сураси, 263-оят. (Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур). – Тошкент, 2007.
8. گنجور: نظامی "خمسه" مخزن الاسرار" بخش 2 (مناجات اول در سیاست و قهر یزدان)
9. "گنجور: خوجه عبد الله انصاری رساله" صد میدان